

Берилган неъмат учун шукр қилиш



12:30 / 07.03.2021 3236

Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга бир хурсандчилик иш(нинг хабари) келса ёки у ҳақда башорат берилса, Аллоҳга шукр қилиб, саждага йиқилар эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга хурсанд бўладиган ишнинг (хабари) келган эди, Аллоҳга сажда қилиб, йиқилдилар», дейилган.

Ҳар бир неъмат учун Аллоҳга шукр қилиш мусулмон банданинг бурчидир. Алоҳида катта хурсандчиликка сабаб бўлинганда эса алоҳида катта шукр

қилиш керак бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу алоҳида шукрни шукр саждаси билан амалга оширганлар. Шунинг учун сиз билан биз ҳам шундай пайтларда шукр саждасини қилишга одатланмоғимиз керак.

“Ҳадис ва Ҳаёт” китоби асосида тайёрланди